

Қадар



14:00 / 24.07.2023 1525

Гером Орфин исмли журналист инфарктдан сақланиш учун насиҳатлар берар, суҳбатлардан бирида: «Мен юз йил яшайман!», деган эди. Аммо ўзи етмиш ёшида тўсатдан инфаркт билан вафот этди!

Буни ажал дейдилар. Гарчи сабабларини қилиб эҳтиёт бўлишга буюрилган бўлсакда, бу умримизни узайтириб қўймайди.

Ёки бепарволик қилиб сабабларни унутсакда, умримиз қисқариб қолмайди.

Кўп соғлом инсонлар тўсатдан вафот этишган. Беморлар эса яшаб юришибди.

Америкалик Стаматис Морайтис 1976 йилда саратон билан касалланди. Онкологга мурожаат қилганида унинг олти ойгина умри қолганини айтишди. Стаматис 2012 йилгача яшади. Хотини уни қайта кўриқдан ўтишга мажбурлади. Мажбур бўлиб унга ташхис қўйган онколог қабулига келди. Онколог вафот этганига анча йил бўлган экан!

Ибн Аббос розияллоху анҳудан сўрашди:

- Нега Сулаймон алайҳис салом қушлар орасидан Худҳудни зиёрат қилдилар?

- Чунки Сулаймон алайҳис салом сув топа олмаганида Худҳуд сувнинг ўрнини кўрсатган эди. Худҳуд ер остида сув борлигини билар эди!

- Нега унда Худҳуд ерга тузоқ қўйилса ва устини тупроқ билан беркитиб қўйилса кўрмайди?!

- Тақдир олдида кўз кўр бўлади-да!

Абдулқодир Полвонов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 18 июлдаги 03-07/5850-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.